

Ўзбекистон Президенти Туркманистон Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринbosарини қабул қилди



Бугун, 1 ноябрь куни, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ШХТга аъзо давлатлар Ҳукуматлар раҳбарлари кенгаши мажлисида иштирок этиш учун мамлакатимизда амалий ташриф билан бўлиб турган Туркманистон Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринbosари, ташки ишлар вазири Рашид Мередовни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни самимий қутлар экан, олий даражада очик ҳамда ишончга асосланган мулоқот йўлга қўйилгани ва бу Ўзбекистон-Туркманистон стратегик шерилик муносабатларини янги даражага кўтарганини катта мамнуният билан қайд этди.

Рашид Мередов Ўзбекистон Республикаси Президентига самимий қабул учун миннатдорлик билдириди ҳамда Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедовнинг саломи ва энг эзгу тилакларини етказди.

Учрашувда савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникация, энергетика, қишлоқ хўжалиги ва иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида ўзаро манфаатли ҳамкорликни мустаҳкамлаш учун катта салоҳият мавжудлиги қайд этилди.

Худудлараро алоқалар ва маданий-гуманитар алмашинувни кенгайтириш мухим экани таъкидланди.

Шунингдек, мантақавий аҳамиятга молик масалалар, жумладан, келгусида икки ва кўп томонлама форматда ўтадиган олий даражадаги тадбирларни инобатга олган ҳолда кўриб чиқилди.

Манба